

1. «Оммавий тадбирлар ўтказишга рухсат олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ҳамда онлайн аризаларини қабул қилиш» интерактив хизмати РЕГЛАМЕНТИ

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорти)

1.1. Интерактив хизмат номи

Оммавий тадбирлар ўтказишга рухсат олиш

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига киргани Оммавий тадбирлар ўтказиш учун маълумотларни олиш ёки маълумотларни фойдаланувчи компьютерга юклаб олиш ҳамда онлайн ариза юбориш имкони яратилади

1.3. Интерактив хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ва хизмат кўрсатиш манзили

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сатида интерактив хизматлар ҳаволаида мавжуд веб-сайтдаги ҳаволаи: [http:// interaktiv.namangan.uz](http://interaktiv.namangan.uz)

1.4. Қонуний асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205 сонли қарори асосида амалга оширилади.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Юридик шахслар

1.6. Мурожаат бериш муддати

15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда

2. Хизматдан фойдаланувчилар учун маълумот

2.1. Маълумотлар таркиби ва ҳажми

Оммавий тадбирлар ўтказишга рухсат олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, уларни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш.

2.2. Сўров бўйича маълумот бериш

Сўровнома юбориш кўзда тутилмаган Вилоят Ҳокимлигининг расмий веб-сайтига кириб бир лаҳзада маълумот олиш ёки онлайн ариза юбориш мумкин

2.3. Интерактив хизматни кўрсатиш жойида маълумот бериш

Наманган вилояти ҳокимлигининг расмий веб-портали

2.4. Фойдаланиладиган ариза ва бланкалар (шакллар)

Тасдиқланган бланкалар асосида

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

24 соат

3.2. Кутиш талаблари

Кутиш шартлари мавжуд эмас.

4. Хизмат кўрсатиш жараёнлари

4.1. Зарурий хужжатлар

Аризачи томонидан объект (бино, иншоот) маъмурияти билан келишилган ҳолда тасдиқланган оммавий тадбир дастури

4.2. Хизмат нархи.

Хизмат фойдаланиш бепул.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Босқичлар мавжуд эмас

4.4. Ички тартибда интерактив давлат хизматини кўрсатиш жараёнлари

1. Жараён 1: Маълумотларни тайёрлаш

2. Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш

4.5. Рад этиш асослари

Ёзма мурожаатлар исми-шарифи кўрсатилмаган, ёлгон маълумотлар кўрсатилган, имзоланмаган ёки аноним бўлса мазкур мурожаатлар кўриб чиқилмайди, шунингдек талаб этиладиган хужжатлар тўлиқ бўлмаса ҳам мурожаат кўриб чиқилмайди.

5. Сифатини таъминлаш

5.1. Сифат

Юридик шахслар томонидан илгари сурилган масалалар бўйича қайта мурожаатлар йўқлиги.

5.2. Сифатсиз хизматдан шикоят қилиш

Юридик шахс томонидан мурожаатига асосан қабул қилинган жавоб юзасидан аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда шикоят бериши мумкин.

Хизматни кўрсатиш схемаси: «Оммавий тадбирлар ўтказишга рухсат олиш»

